



УДК:633.88

**ОТҚУЛОҚ (RUMEX CONFERTUS WILLD) ЎСИМЛИГИНИНГ
ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ
ЛЕКАРСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЩАВЕЛЯ (RUMEX
CONFERTUS WILLD)
MEDICINAL FEATURES OF SORREL (RUMEX CONFERTUS
WILLD)**

Ассистент З.Ш. Шодиева, талабалар С.Т.Чориева, Л.Б.Муқимова

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехеологиялар университети**

Самарқанд шаҳар

***Аннотация** Мамлакатимиз ҳудуди жуда катта бўлиб, турли иқлимли туманларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ўсимликлар дунёси — флораси турли ўсимликларга бой. Уларнинг ичида дориворлик хусусиятига эга бўлган бегона ўтлар ҳам кўп бўлиб, ҳар йили минг тонналаб доривор ўсимликлар маҳсулоти тайёрланади ҳамда касалликларни даволаш ва олдини олиш учун ишлатилади. Ана шундай аҳамиятга эга бўлган илдизпояли бегона ўтлардан бири отқулоқ ҳисобланади.*

***Аннотация.** Территория нашей страны очень большая и включает в себя районы с разным климатом. Поэтому наша страна богата разнообразием растений-флорой растительного мира. Среди них также много сорняков с лечебными свойствами, урожаем тысяч тонн лекарственных растений готовится ежегодно и используется для лечения и*



профилактики заболеваний. Одним из корневых сорняков такого значения является щавель.

Annotation. *The territory of our country is very large and includes areas with different climates. Therefore, our country is rich in a variety of plants-flora of the plant world. Among them there are also many weeds with medicinal properties, the harvest of thousands of tons of medicinal plants is prepared annually and used for the treatment and prevention of diseases. One of the root weeds of this importance is sorrel.*

Калит сўзлар: бегона ўтлар, биоэкология, систематика, кимёвий, фармацевтик, халқ табобати, арик ва сойлар, экинзорлар, тоғ ёнбағирлари, кўп йиллик, учбурчаксимон-тухумсимон, рўвак, тери касалликлари, цинга касаллиги, дамлама, қайнатма, экстракт, куқун, меъда – ичак.

Ключевые слова: сорняки, биоэкология, систематика, химическая, фармацевтическая, народная медицина, сливы и оттенки, многолетник, треугольный-яйцевидный, завязь, кожные заболевания, болезнь цинга, настойка, отвар, экстракт, порошок, желудочно – кишечный.

Keywords: weeds, bioecology, systematics, chemical, pharmaceutical, folk medicine, plums and shades, perennial, triangular-ovoid, ovary, skin diseases, scurvy disease, tincture, decoction, extract, powder, gastrointestinal.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўрт мингдан зиёд хилма-хил ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, шулардан бегона ўтларнинг 450 турга яқини тарқалган. Лекин, уларнинг 150 турга яқини ўта хавфли, ашаддий бегона ўт ўсимликлари ҳисобланиб, улар қишлоқ хўжалиги экинлари орасида кенг тарқалган ва уларнинг ҳосилдорлиги, яшовчанлиги ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашувчанлигига жиддий зарар етказди. Ўзбекистонда бегона ўтларнинг биоэкологияси, систематикаси, қишлоқ хўжалигига келтирадиган зарари ҳамда уларга қарши кураш чора-тадбирлари





яхши ўрганилмоқда ва улар устида илмий тадқиқот ишлари узоқ вақтлардан бери олиб борилмоқда. Тадқиқотчиларнинг олиб борилган ботаник, кимёвий ва фармацевтик ҳамкорликдаги илмий тадқиқотлар натижасида кўплаб бегона ўт ўсимликларининг дориворлик хусусиятлари аниқланган ва доривор препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. Улардан халқ табобатида ва замонавий медицинада даволаш мақсадларида кенг фойдаланилмоқда. Шундай ўсимликлардан бири бу Откулоқ – *Rumex confertus* Willd ўсимлигидир.

Откулоқ (*Rumex*) туркуми торондошлар (*Polygonaceae*) оиласига мансуб витаминларга бой доривор ўсимлик саналади. Бу туркумнинг турлари Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида ариқ ва сойларнинг бўйларида, тоғ ёнбағирларида, далалар ва экинзорларнинг уватларида бегона ўт ўсимлиги сифатида ва бошқа ерларда айниқса, вақтинчалик бўлса ҳам, намлик етарли бўлган жойларда кўп ўсади. Откулоқлар кўп йиллик, бўйи 60-150 см га етадиган ўт ўсимликлардир. Откулоқларнинг пояси тик ўсади, бўғинли, юқори қисми шохланган. Илдизолди, тўпбарглари ва поянинг пастки қисмидаги барглари узун бандли, учбурчаксимон-тухумсимон, асос қисми юраксимон. Поянинг юқори қисмидаги барглар майда бўлиб, пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда, рўвакка тўпланган. Меваси уч қиррали ёнғоқча. Май-июн ойларида гуллайди ва мевалари пишади.

Откулоқ ўсимлиги витаминга бой бўлганлиги учун, илгари замонлардан бери цинга касаллигига қарши дори сифатида ишлатилиб келинган. Ундан ташқари ўсимликдан тери касалликларини даволашда ҳам фойдаланилган. Ўсимликдан тайёрланган дамлама ва қайнатмалар жуда оддий йўллар билан қилинганлиги учун, уни кўпчилик осонлик билан ўзлари учун тайёрлай олишлари мумкин.

Халқ табобатида откулоқ турларининг илдизидан, баргидан ва меваларидан тайёрланган қайнатма ёки дамлама ич кетганда, дизентерияда, ичак яраларида ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади. Қуритилмаган баргидан сиқиб олинган шираси билан кўтир, темиртки ва





яралар даволашда қайнатма, дамлама ва кукун (порошок) нидан фойдаланилади.

Ҳозирги пайтда замонавий медицинада ҳам оддий отқулоқнинг доривор препаратлари - дамлама, қайнатма, порошок ва суюқ экстрактларини меъда – ичак (колит, энтероколит), қон аралаш ич кетишда ҳамда ичакдан қон кетганда ичиш тавсия этилади.

Илдиз ва барглариининг таркибида 0,83–3,16% (4% гача) антрацен унумлари, 4,6–17% гача ошловчи моддалар, эфир мойи, смола, флавоноидлар (неподин, гиперин, рутин ва бошқалар), антацианлар, лейкоантоцианлар, органик (оксалат, лимон, олма) ва фенол карбон кислоталар, витамин С ва К₁, кандлар, крахмал ва бошқа бирикмалар бор.

Отқулоқ ўсимлигидан дорилар тайёрлаш учун, унинг барглари қисман илдизларидан фойдаланилади, барглари маҳсулот сифатида ўсимлик қийғос гуллаган даврида йиғиб олинади. Йиғиб олинган барглари соя ва салқин жойда яхшилаб қуритилади. Меваларини эса улар пишиб, етилгандан кейин териб олинади. Ўсимлик илдизи кузда қавлаб олинади, тупроқдан тозалаб, сув билан ювиб, майда бўлақларга бўлиб очиқ ерда ёки қуриткичларда 50–60° С да қуритилади.



Алоҳида тақидлаш жоизки, отқулоқ ўсимлиги Ўзбекистоннинг барча суғориладиган ерларда ҳаттоки шўрланган ерларда ҳам яхши ўсишга





мослашган ва юқори даражада маҳсулот берадиган ўсимликлардан бири ҳисобланади.

Библиографик рўйхат

1. Ўзбекистон Республикаси “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент 1992 й.
2. Хамидов А. Ўзбекистондаги бегона ўтлар. – Тошкент: Фан, 1973.
3. Ҳамдамов И. ва бошқа. Ботаника ва ўсимликлар физиологияси (Ботаника қисми). – Тошкент. 2013.
4. Холматов Х.Х., Хабибов З.Х., Олимхўжаев Н.З. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари. – Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 1991. – 206 б.
5. Мурдахаев Ю. М. Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар. – Тошкент: Фан, 1990. –76 б.

